

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 00371

Самарканд шаҳри

« 05 » декабр 2022 йил

«HUMO MED-PHARM» МЧЖ (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор **З.Н.Исмоилов** тимсолида, бир томондан "Муборак Абу Али Ибн Сино номдаги жамоат саломатлиги техникуми" (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Н.Э.Юсупов** тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Шкаф для документов габаритные размеры длина 900мм ширина 400мм Высота 1600 мм.	шт	25	2360000	59000000
2	Шкаф медицинский, Высота 1600 ширина 900 Глубина: 400тип замка ключевой, металлический застеклением	шт	2	6250000	12500000
3	Кушетка п/м медицинская	шт	25	1420000	35500000
	<b>Жами:</b>		<b>x</b>	<b>x</b>	<b>107000000</b>

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» «декабр» 2022 йилгача.

## II. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси : 107000000 (бир юз етти миллион ) сум.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 32100000( уттиз икки миллион юз минг) сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30%фонизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг декабрь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 74900000( етмиш турт миллион туккиз юз минг ) сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70% фонизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил « 31 » декабр гача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси ВМ нинг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қондага кўра, 30 фониз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини

## IV. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирили

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар кийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида еки тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 31 » Декабрғача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси ВМ нинг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

#### VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

#### IX. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «СОТУВЧИ»

Ташкилот номи: «HUMO MED-PHARM» МЧЖ

Манзил: Самарканд вилояти, Самарканд шаҳар, Нурли келажак МФЙ, Сайқал кучаси, 10 уй.

Тел.: 933380002

Х/Р 20208000205275009001

Банк номи: Агробанк АТБнинг худудий филиали  
МФО: 00279

СТИР коди: 307630975

ОКОНХ:

ОКЭД

Раҳбар (директор):

З.Н.Исмаилов

М.Ў

Ҳуқуқшунос (ИМЗО):



##### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

«Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми»

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Муборак шаҳри қурувчилар МФЙ

Тел./факс: 672-44-47

х/в: 400910860102347092902054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200699271

Банк: Марказий банк Тошкент

ОКОНХ МФО:

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз.Рес Молия вазирлиги

Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010 стир; 201122919

Раҳбар

Н.Э.Юсупов



Ҳасрат Раҳимов  
У. Рузиева  
8.07.2022 й

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“Муборак Абу Али Ибн Сино  
НОМИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ  
ТЕХНИКУМИ”  
Н.Э.Юсупов  
Муборак шаҳри

05.12.2022 йил

№ 20

Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми учун укув амалиётида фойдаланидиган тиббий кушитка, тиббий шкафлар харид қилиш буйича танлов комиссиясининг

### ТАНЛОВ БАЁНИ

Комиссия раиси  
АЪЗОЛАРИ;  
Хужалик мудир  
Бош ҳисобчи  
КУК раиси  
Директор уринбосари  
Котиб

Н.Э.Юсупов  
С.Арслонов  
Х.Алимова  
Ф.Жовлиев  
К.Худойбердиев  
Б.Гулназаров

Кун тартибда куриладиган масала;

Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми учун укув амалиётида фойдаланидиган тиббий кушиткалар ва шкафлар харид қилиш учун 2022 йилда энг яхши таклифларни танлаш голиби деб топилган техникум укувчилари укув амалиётида фойдаланидиган тиббий жихозлар кушиткалар ва шкафлар харид қилиш учун 2022 йил декабрь ойида “HUMO MED-PHARM” МЧЖ билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия электрон танлов конкурсга катнашган вакилларнинг таклифларини куриб чиқиб Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми укувчилари учун укув амалиётида фойдаланидиган тиббий жихозлар харид қилиш учун танловда иштирок этган 4 та хусусий корхона таклифларидан

Танлов конкурс буйича 2022 йил 23 ноябрь кунда лот № 22110012196630 Сонли протокол эълонга куйилгандан кейин 4 та хусусий корхона узининг таклифлари билан катнашди ва энг юкори балл “HUMO MED-PHARM” МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамага куйилди ҳамда муҳокама мобайнида салбий ва “HUMO MED-PHARM” МЧЖ билан шартнома тузилишига бошқа эътирозлар булмаганлиги сабабли “HUMO MED-PHARM” МЧЖ билан шартнома тузилсин.

### ТАНЛОВ КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1 “HUMO MED-PHARM” МЧЖ голиб деб топилсин.
2. “HUMO MED-PHARM” МЧЖ томондан махсулотлар учун таклиф этилган нархлар асосида шартнома тузиш ҳисобчи Х.Алимовага юклатилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш директор Н.Юсуповга юклатилсин.

Комиссия раиси  
АЪЗОЛАРИ;  
Хужалик мудир  
Бош ҳисобчи  
КУК раиси  
Директор уринбосари  
Котиб



Н.Э.Юсупов  
С.Арслонов  
Х.Алимова  
Ф.Жовлиев  
К.Худойбердиев  
Б.Гулназаров

Ўзбекистон Республикаси  
Адвокатлар палатаси  
Қашқадарё вилоят  
худудий бошқармаси  
Муборак тумани «Қонуний  
мадад» адвокатлик бюроси



О'zbekiston Respublikasi  
Advokatlar palatasi  
Qashqadaryo viloyat  
hududiy boshqarmasi  
Muborak tumani «Qonuniy  
madad» advokatlik byurosi

Муборак шаҳри Захирсарой шох

телефон: 99891-215-44-18

2022 йил

«05» декабрь

№ 7

### ХУКУКИЙ ХУЛОСА.

Мен Рузиева Назира Мардиллаевна «Қонуний мадад» адвокатлик бюроси раҳбари вазифасида фаолият юритаман. Ушбу кун «Хумо мед-Фарм» МЧЖ билан буюртмачи «Муборак Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми» уртасида 107.000.000 (бир юз етти миллион) сўмлик тиббий жихозлар сотиб олиш учун тўзилган №000371 сонли 2022 йил «05» декабрдаги шартнома лойихаси билан танишиб чикиб

### АНИКЛАДИМ:

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талаблари асосида тўзилган. Ушбу шартнома предмети, бажарилиши муддатлари, ҳисоб китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги, низоларни бартараф қилиш тартиблари, форс мажор ҳолатлари ҳамда тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тўзилган санаси ва тарафларнинг ўзаро қелишувга эришиш лозим бўлган муҳим шартлари мавжуд.

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Қонун нормаларига тўғри келади деб ҳисоблайман.

Гувоҳнома №16. 2009 йил 8 июлда берилган.

Лицензия № 0060 2018 йил 28 декабрда берилган.



Муборак тумани «Қонуний мадад»  
Адвокатлик бюроси раҳбари:

Н.М.Рузиева.